

## Фикр дурдоналари (32-қисм)



19:58 / 27.04.2017 5272

**161.** Олтин олов билан синалади. Аёл олтин билан синалади. Эркак аёл билан синалади.

**162.** Агар чиройли аёл бамисоли қимматбаҳо тош бўлса, фозила (гўзал хулқли, илмли) аёл бамисоли хазинадир.

**163.** Аёл эри билан ўтказган бахтли кунларининг қадрини эрини йўқотганда билади.

**164.** Хотинсиз эркак – жасадсиз бош. Эрсиз аёл – бошсиз жасад.

**165.** Модомики онанг аёлингни кузатиб, назорат қилиб турибдими, аёлингга ишонавер!

Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари),  
“Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.

**Нозимжон Ҳошимжон** таржимаси